

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

2026-yil
9-may
SHANBA
№ 37-38 (13898-99)

Ўзбекистон халқига байрам табриги

Қадри ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кутлуг айём – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 81 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу унутилмас кунда, аввало, жанг майдонларида тенгсиз жасорат кўрсатиб, инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон ота-боболаримизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Бугунги кунда орамизда соғ-омон яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний ота-хон ва онахонларимизга юксак эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган азму шижоатли ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини меҳр ва ҳурмат билан ёдга оламиз.

Мухтарам дўстлар!
Эл-юртимиз фашизмга қарши курашда дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан бир сафда туриб, буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Тарихий маълумотларга кўра, фашизмга қарши урушда ўша даврда 6 миллион 800 минг кишидан иборат бўлган республикамиз аҳолисининг 1 миллион 950 минг нафари иштирок этган.

Шундан ярим миллиондан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлиб, 158 мингдан кўпроги бедарак йўқолган, 60

минг нафардан ортиқ ватандошимиз эса ногирон бўлиб қайтган. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бу аянчли рақамлар қалбларимизни ҳали ҳам изтиробга солади.

Уруш даврида 214 минг нафар ўзбекистонлик аскар ва офицерлар жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса, уларнинг 301 нафари энг олий нишон – Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 70 нафар юртодошимиз эса учала даражадаги “Слава” ордени билан мукофотланган.

Уша оловли йилларда халқимиз “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” деб кечаю кундуз буюк сафарбарлик руҳи билан яшади. Ўзбекистон фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланди. Инсонпарварликини буюк қадриятга айлантирган халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллион 500 мингдан ортиқ инсонга, жумладан, ота-онаси ва оиласидан жудо бўлган 250 минг нафар болага бошпана бериб, уларга меҳр-оқибат кўрсатди.

Қадри юртодошлар!
Ғолиб ва музаффар ота-боболаримизнинг Ватанимиз озодлиги ва халқимиз осойишталиги ҳимояси йўлидаги ибратли фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича биз кўплаб ишларни амалга оширмакдамыз. Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи ҳамда унинг таркибидagi “Хотира нури” ва “Миллат фидойилари” ёдгорлик комплекслари халқимиз учун табаррук масканларга айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуглаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрий-

лари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўм миқдорда пул мукофотлари берилганини таъкидлаш лозим. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мунаввар айём кунларида жойлардаги ҳокимликлар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларида бўлиб, оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” широи остида хотира маросимлари, маданий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Қадри юртодошлар!
Бугунги гоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда.

Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик – бизнинг бебаҳо бойли-

гимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустақкам асосидир.

Ҳозирги мураккаб даврда Ватанимиз мустақиллигини, халқимиз осойишталигини асраш, иқтисодий қудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорлиқни кучайтириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Ишончим комил, бу борада 81 йил олдин ғалаба байроғини жаҳон узра баланд кўтаришга муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг, халқимизнинг мардлик ва матонат мактаби бизга мададкор куч бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, фашизм балосини бартараф этишда жонбозлик кўрсатган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни бугунги шонли байрам билан самимий табриклаб, уларга барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Сизларни, ҳурматли фахрийларимизни, бутун эл-юртимизни яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Меҳнаткаш ва донишманд халқимиз ҳаммаша омон бўлсин!

Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

Хотира ва қадрлаш айёми барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Бунёдкорлик

Бугунги кунда замонавий транспорт инфратузилмаси ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омилига айланмоқда. Айниқса, темир йўл тармоқлари иқтисодиётнинг барча соҳаларини бир-бирига боғлайдиган, ҳудудлар ўртасидаги интеграцияни кучайтирувчи стратегик тизим сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, Тошкент вилоятида янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишига старт берилиши нафақат икки ҳудуд, балки бутун мамлакат иқтисодий ривожига муҳим босқич бўлди.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ТОРТИЛАЁТГАН ПЎЛАТ ИЗЛАР



Кейинги йилларда мамлакатимизда транспорт ва логистика тизимини модернизация қилиш, аҳоли учун хавфсиз ва қўлай транспорт хизматларини йўлга қўйиш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги темир йўл лойиҳаси ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида эътироф этилмоқда.

Мақур темир йўл тармоғи Нурафшон, Пискент, Бўка, Бекобод, Бовбут ва Янгийер йўналишидаги ҳудудларни қамраб олади. Ушбу линия икки вилоят ўртасидаги транспорт алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тезкор етказиб бериш, аҳоли ҳаракатини энгиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳага старт бериш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев, соҳа мутахассислари, муҳандислар, нуронийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қайд этилишича, темир йўлнинг умумий узунлиги 111 километр бўлиб, йўналишда замонавий тезкор электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, темир йўл транспорти хавфсизлиги, иқтисодий самарадорлиги ва катта ҳажмдаги юкларни қисқа муддатда ташиш имконияти билан бошқа транспорт турларидан ажралиб туради. Айниқса, юк ташиш харажатларининг камайиши маҳсулот таннархини пасайтиришга, тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ – ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг оғир ва синовли даврлардан бири сифатида миллионлаб инсонлар тақдирини ўчмас из қолдирди. Бу мудҳиш уруш йилларида ўзбек халқи ҳам фронтда, ҳам фронт ортида беқиёс матонат, фидойиллик ва жасорат намунасини кўрсатиб,

ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Бугун ўша кунларнинг тирик гувоҳлари бўлган уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳаёт йўлини ёш авлодга ибрат мактаби сифатида етказиш халқимизнинг энг улуг инсонпарвар қадриятларидан бирига айланган.

Шу маънода, Тошкент вилоя-

Айни кунларда Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда ҳам кенг нишонланмоқда.

Эҳтиром



тида ҳам уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, фидоқорона хизматларини улуглаш ҳамда азизлар хотирасини ёд этишга бағишланган тадбирлар ташкил этилди.



БИР АСРЛИК ТАРИХ САБОҒИ



Тор кўча. Кўчанинг бошидаги дарвоза ёнида осиб қўйилган пешлавҳага: “Бу хонадонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мансуров Нодир ота истиколат қилади”, деб ёзилган. Дарвозани аста чертар эканмиз, ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди:

– Кираверинг, эшик очик...

3

ҒАФУР ҒУЛОМ МАСЪУЛ КОТИБ БЎЛГАНМИ?




“Шарқ ҳақиқати” ва унинг вориси бўлган “Тошкент ҳақиқати” газеталари улкан ижодий муҳитни шакллантирган кутлуг даргоҳлардан бири. Бу таҳририятларда меҳнат қилган атоқли журналист ва адиблар нафақат ўз даври матбуотини, балки бутун ўзбек адабиёти ва публицистикасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Ана шундай ижодкорлардан бири Ғафур Ғулумдир.

10 май – Ғафур Ғулум таваллуд топган кун. Шу муносабат билан устоз-журналист Жўра Саъдуллаевнинг “Давр кўзгуси” китобидан академик шоиримиз ҳақидаги мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

3

“ЯЛДО КЕЧАСИ”:

МИЛЛАТ ФОЖИАСИГА АЙЛАНГАН ТУН



5

ХОТИРА ВА
КАДРЛАШ КУНИ

ЖАСОРAT VA ФИДОЙИЛИК МАКТАБИ

Ана шундай эзгу тadbирлардан бири Паркент туманида истикомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 102 ёшли Анорбой ота Жалилов хондониди бўлиб ўтди.

Самимий ва кўтаринки руҳда кечган ушбу учрашувда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш фахрийларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шу

таркибда Украина, Польша ва Германия ҳудудларини душмандан озод қилишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган.

Фахрийнинг кўксини беэба турган орден ва медаллар унинг нафақат жанг майдонидаги жасорати, балки тинчлик йилларидаги фидокорона меҳнати ва Ватанга садоқатининг ёрқин тимсолидир.

Тadbир давомида янраган миллий куй-қўшиқлар, нуронийларнинг самимий дуолари ҳамда ёшларга қаратилган эзгу насихатлар ййилганларга юксак маънавий руҳ бағишлади.

“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” – ЮКСАК ЭЪТИРОМ

Хотира ва кадрлаш куни арафасида давлатимиз раҳбари Қуролли Кучлар Бош ҳарбий клиник госпиталига ташриф буюриб, бу ерда даволанаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Ана шундай эътибор марказида



Урушдан сўнг тақдир қаҳрамони мизни Бекобод шаҳрига етаклади. У бу ерда меҳнат фаолиятини давом эттириб, аввал гишт заводиди, кейинчалик

танга садоқати мужассам. Беш ўғлини урушга кузатиб, уларнинг соғинчи ва армони билан умр кечирган Зулфия ая Зокированын ҳаёт йўли халқимиз иродасининг ёрқин намунаси сифатида эътироф этилади.

Шу боис мажмуа бугун нафақат Нурафшон шаҳрининг, балки бутун вилоятнинг маънавий зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Тadbир давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган аждодларимиз, шунингдек, мустақиллигимиз ва юрт тинчлиги йўлида жон фидо қилган мард ўғлонлар хотирасига юксак эътиром кўрсатилди. Нуронийлар юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусофолоғи ва халқимиз фаровонлиги учун дуолар қилишди.

Таъкидланганидек, Иккинчи жаҳон уруши халқимиз учун беқиёс йўқотишлар ва оғир синовлар даври бўлган. Хусусан, Тошкент вилоятидан 200 мингдан зиёд йигит фронтга сафарбар этилган бўлса, уларнинг қарийб 40 минг нафари жанг майдонларидан қайтмаган.

Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча оналар кўз ёши, қанча армон ва айрилик муҳассам эканини унутмаслик ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчидир.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолуддин ЭСОНОВ
олган суратлар

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ТОРТИЛАЁТГАН ПЎЛАТ ИЗЛАР

Қолаверса, янги темир йўл аҳоли учун ҳам катта қулайликлар яратди. Узоқ масофага қатнаб ишлайдиган ёки таълим оладиган фуқаролар қисқа вақт ичида хавфсиз ва шинам шароитда манзилига етиб бориш имкониятига эга бўлади.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – экологик хавфсизлигидир. Яъни, электрлаштирилган темир йўл линиялари атмосферага чиқадиган зарарли чикиндиларни камайитириш, ёқилги сарфини қисқартириш ва атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиши билан аҳамиятли.

Шу билан бирга, янги темир йўл тармоғи ҳудудларнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Транспорт инфратузилмаси ривожланган ҳудудларга сармоядорлар қизиқиши ортиши табиий. Бу эса келгусида янги sanoat зоналари, логистика марказлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг пайдо бўлишига замин яратяди.

Лойиҳа доирасида 7,8 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилиши, 1 та тортш подстанцияси, 3 та темир йўл станцияси, 1 та тўхташ пункти, 15 та кўприк, 14 та йўл ўтказгичи ҳамда қатор муҳандислик иншоотларини қуриш режалашти-

рилган. Қурилиш жараёнида юзлаб иш ўринлари яратилади. Кейинчалик эса темир йўл инфратузилмаси, логистика ва сервис соҳаларида минглаб фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланади.

Тантанали тadbирда халқимизнинг қадимий анъаналарига мувофиқ қуръон тиловат қилиниб, юрт тинчлиги ва бошланаётган



ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ – ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

билан бирга Анорбой отанин халқ ва Ватан олдидаги беқиёс хизматлари, уруш йилларида намоеён этган жасорати ҳамда тинчлик давридаги фидокорона меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Шу муносабат билан фахрийга давлатимиз раҳбари номидан 30 миллион сўм миқдорда пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Ушбу эътибор ва ғамхўрлик ййилганларга чўқур таассурот қолдириб, халқимизнинг кекса авлодга бўлган юксак ҳурмати яна бир бор намоеён этди.

Анорбой ота Жалиловнинг ҳаёт йўли ҳақиқий жасорат ва матонат мактабидир. У 1924 йилда Тошкент вилоятининг Паркент туманида таваллуд топган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, минглаб тенгдошлари қатори фронтга сафарбар этилади. 2-Беларусь фронт-

бўлган фахрийлардан бири – Бекобод шаҳрида истикомат қилувчи уруш қатнашчиси Ҳасанбой ота Халматов бўлди. Президент фахрий билан самимий суҳбат қуриб, унинг уруш йилларидаги жасорати, сабр-матонати ва ҳаёт йўлига алоҳида ҳурмат изҳор этди ҳамда унга автомобиль совға қилди. Отахонга “Президент совғаси”ни Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев тантанали равишда топширди.

Ҳасанбой ота Халматовнинг умр йўли мардлик ва фидойиликнинг ёрқин намунасидир. У Андижон вилоятининг Бўз туманида таваллуд топган. Ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган навқирон йигитни уруш йилларининг аёвсиз синовлари Паркент туманида таваллуд топган. Икки йил давомида фронт орти ва жанг майдонларидаги оғир шароитлар унинг хотирасида чўқур из қолдирган.

цемент заводиди кўп йиллар самарали меҳнат қилди ва юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Бугун Ҳасанбой ота 30 нафар набира ва 50 нафар эваралар ардоғида умр кечирмоқда.

ХОТИРА ВА САДОҚАТ МАСКАНИ

Байрам муносабати билан Нурафшон шаҳридаги “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасида азизлар хотирасига бағишланган тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги вилоят жамоатчилиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Мазкур обидида замирида ўзбек онасининг чексиз матонати, сабри ва Ва-

▼ Пресс-тур

Қишлоқ хўжалигида мўл ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омили – бу уруғнинг сифати ҳисобланади. Зеро, ҳар бир дон, ҳар бир ниҳол келгуси ҳосилнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам деҳқон ва фермерлар учун ишончли, сертификатланган ҳамда юқори навли уруғ танлаш масаласи ҳаммиса долзарб бўлиб келган.

Бугунги кунда илмий-техник тараққиёт қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам жадал кириб келмоқда. Хусусан, уруғчилик тизимида рақамли технологияларнинг жорий этилиши сифат назоратини янги босқичга олиб чиқди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йилнинг 7 июлида қабул қилган “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифатини баҳолаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармони эса соҳада янги даврни бошлаб берди. Унга кўра, қишлоқ хўжалиги уруғларининг сифатини баҳолашда рақамли QR-кодли ёрликлар, шунингдек, уруғчиликнинг этиштириш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тadbиркорлар реестрини юритишга асосланган янги тизим жорий этилди. “Ўзагроинспекция” қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси уруғчиликнинг сифатини баҳоловчи ягона ваколатли ташкилот этиб белгиланди.

“Ўзагроинспекция” томонидан ташкил этилган пресс-тур доирасида журналистлар мазкур марказ фаолияти билан яқиндан танишишди. Улар уруғларга QR-кодли ёрликлар бериш босқичларини кузатиш баробарида уруғчиликни тайёрлаш ҳамда ёрликланган маҳсулотларни сотиш жараёнларини бевосита жойига чиқиб танишиш имкониятига эга бўлишди.

– Мазкур инновацион ёндашув нафақат уруғнинг келиб чиқиши ва сифати ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради, балки деҳқон ва фермерлар учун ишончли кафолат вазифасини ҳам бажаряди, – дейди Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази директори Жаҳонгир Каримов. – Бу эса меҳнат самардорлигини ошириш, хавф-хатарларни камайитириш ва энг муҳими, мўл ҳосилга эришиш имкониятини янада мустаҳкамлайди.

Маълумотларга кўра, марказ томонидан 2026 йилнинг биринчи

чорагида жами 2 минг 338 та ариза қабул қилиниб, шундан 1 минг 551 таси импорт, 787 таси эса маҳаллий уруғчилик ҳиссасига тўғри келди. Уруғчилик ва кўчатларга берилган аризалар асосида жами 3 млн. 750 минг дондан зиёд QR-кодли ёрликлар тақдим қилинган.

Экинбоплик хулосаларини бериш бўйича жами 1 млн. 727 та ариза кўриб чиқилди. Натижада 36 минг 956 тонна уруғлик ижобий баҳоланди, 1 минг 347,5 тонна эса сифат талабларига жавоб бер-

Ходим томонидан намуна олиш жараёнлари махсус бодикамера орқали ёзиб олинади. Мақсад барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда коррупция ва кўзбўямачилик ҳолатларини олдини олишдир. Намуна олиб келинган ўн бир босқичли текширувдан ўтказилган ва агар муносиб кўрилса унга махсус ёрлик тақдим этилади. Буюртмачилар эса жараёнлар қайси босқичда эканлигини интернетдаги “Agroset.uz” платформаси орқали бевосита кузатишлари мумкин.



бири сифатида фаолият юритмоқда. Унинг тасарруфида жами 5 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда картошка, бугдой ва маккажўхори этиштирилади. Шунингдек, хўжалиқда атиргул плантациялари ҳам ташкил этилган.

Марказ фақат Бўстонлик ту-

либ, улар 30 минг тонна сиймига эга махсус совиткич омборларида белгиланган талаблар асосида сақланади.

Маҳсулотлар лаборатория текширувларидан ўтказилиб, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича мувофиқлик сертификати олинган, фермер ва деҳқон хўжаликларига сотувга чиқарилади. Бу эса аҳолини сифатли уруғлик билан таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда картошкачилик соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Марказимиз уруғчилик ва егулик картошкачилик фермерлар ҳамда аҳолига етказиб беришга ихтисослашган, – дейди марказ мутахассиси Илём Тилаволдиев. – Ҳозирги кунда хориждан келган картошкачилик саралаш ва уруғчилик учун сақлаш

ка уруғлари тайёрланаётганидир.

Кейинги манзил эса Зангиота туманида жойлашган “Zamin eko agro” масъулияти чекланган жамияти бўлди. Жамият агрономи Нурали Салимовнинг таъкидлашича, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сифат ва ишонч энг муҳим омиллардан бирига айланган. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги сотувга чиқарилади. Бу эса аҳолини сифатли уруғлик билан таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда картошкачилик соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Илгари бозорда келиб чиқиши номаълум, сифатсиз уруғларга алданиб қолиш ҳолатлари учраб турарди, – дейди у. – Энди эса ҳар бир маҳсулотдаги QR-код орқали уруғнинг қаердан келтирилгани, сифати ва сертификати ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Бу эса харидорнинг ишончини ошириб, сифатсиз маҳсулотларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда “Zamin eko agro” томонидан 15 та давлатдан келтирилган сабзавот, полиз, озуқа ва микрозелень уруғлари сифат назоратидан ўтказилиб, аҳолига тақдим этилмоқда. Бу эса мамлакатимизда замонавий ва шаффоф агро-савдо тизими шаклланаётганининг ёрқин намунасидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рақамли технологияларнинг уруғчилик тизимига кириб келиши соҳада мутлоқ янги ёндашувни шакллантирмоқда. Энди харидор учун маҳсулот ҳақида аниқ ва очик маълумотга эга бўлиш имконияти яратилмоқда. Бу эса бозорда тартиб-интизомни кучайтириб, ишлаб чиқарувчиларни янада масъулиятли фаолият юритишга ундайди. Энг муҳими, бундай замонавий тизимлар деҳқон ва фермерларнинг меҳнати самардорлигини оширишга, сифатли маҳсулот этиштиришга бўлган ишончини эса янада мустаҳкамлаш шубҳасиз.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Меҳрибдин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

УРУҒЛАРДА QR-КОД: АГРАР СОҲАДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



маслиги аниқланиб, уларни экишга йўл қўйилмади.

– Уруғчиликнинг сифат назоратидан ўтказиш учун дастлаб ариза берилади, – дейди марказ бошқарма бошлиғи Улугбек Ҳасанов. – Шундан сўнг ходимларимиз кўрсатилган манзилга бориб, намуна оладилар. Бунда ходимларга махсус планшет ва видеоёзув ускуналари берилган бўлиб, планшетлар фақат белгиланган манзилга этиб боргандагина ишлайди.



мани ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, Зангиота, Ўрта Чирчиқ ва Саросиё туманларидаги ер майдонлари ҳам картошка этиштириш ишларини амалга оширмоқда.

Ҳар йили Нидерландия, Германия ва Россия давлатларидан минг тонна элита навли картошка олиб келинади. Келтирилган маҳсулотлар егулик ва уруғчилик мақсадлари учун ажратилади. Айниқса, уруғчилик картошкачилик сақлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилган бў-

БИР АСРЛИК ТАРИХ САБОҒИ

Қаршингида пастқам, бироқ ўзига хос жозиба-си билан дарров диққатни тортадиган, гўё ҳозиргина бўялгандек тоза ва озода уй намоён бўлади. Ҳовлининг чап томонидаги уйдан Маъмуржон Узоқовнинг майин кўшиги таралиб турибди.

Янгиюлтумани "Қовунчи" маҳалласида истикомат қилаётган Нодир ота Мансуров оғир ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлардан. Яқинда 100 ёшни қарши олган бу нуруний бугун ҳам бардам, хотираси ўткир. Сухбат жараёнида бир асрлик тарих кўз олдимиздан ўтди.

Мансур отанинг болалиги оғир синовлар билан бошланган. Отаси эрта вафот этгач, онаси Эрқабуви опа бир неча фарзандни ёлғиз тарбиялашга мажбур бўлади. Қаҳатчилик йиллари эса оила бошига янада оғир зарба келтирди – катта онаси ва икки синглиси оғир касаллик туфайли вафот этди. Акаси Турдивой 1941 йилда фронтга жўнаб кетди.

Шундан сўнг 14-15 ёшли ўсмир мактабни ташлаб, онасига ёрдам бериш учун ишлашга мажбур бўлди. "Шимолий Тошкент" канали курилишида ҳам иштирок этди.

1944 йилнинг ноябрь ойида ҳарбий хизматга чакирув келганда у 18 ёшда эди. Ҳарбий хизматга кетишдан олдин икки ой тайёргар-

ликдан ўтдик, – дейди Нодир ота. – Самарқанддаги полигонда снайперлик, жанговар тактика ва қурол ишлатишни ўргандик.

1945 йилнинг январь ойида улар Шарқий фронтга жўнатилади. Қаҳратон қиш, -20-25° совуқ, узлуксиз портлашлар – ёш аскарларнинг сабр-тоқатини синайди. Илк ҳақиқий жанг эса февраль ойида бошланди.

– Атрофни тутун, портлаш ва ўқ овозлари қоплаган эди, – деб эслайди Н.Мансуров. – Биринчи марта инсон ҳаёти нақадар қадри эканини ўша ерда ҳис қилганман.

Нодир ота Польша, Венгрия ва Чехословакия ҳудудларидаги жангларда иштирок этади. Будапешт учун бўлган жанглар эса хотирасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бир бино ичидаги снайперлар дуэлида эса душман аскарини йўқ қилиб, жанг тақдирини ўзгартирганини ҳеч унутмайди.

– Бу гўё сабр ва зийраклик синови эди, – дейди қаҳрамонимиз.

1945 йилнинг апрель ойида совет қўшинлари Берлинга яқинлашади. Шаҳар вайрон бўлган, ҳар бир кўча – жанг майдони. 30 апрель куни Рейхстагга ҳужум бошланади.

– Ғалаба байроғи кўтарилганда ҳамма "Ура!" деб қичқирарди. Бу фақат ғалаба эмас, инсоният учун янги умид эди, – дейди Нодир ота.



У ғалабадан сўнг юртига қайтмай, 315-снайпер полкида, кейин эса 17-танк бригадасида хизмат қилади. 1946-1947 йилларда Германия ва Чехословакияда уруш оқибатларини бартараф этишда ҳам қатнашади.

1949 йилда онасининг вафоти ҳақидаги хабар уни қаттиқ изтиробга солади. 1950 йилда юртига қайтганида уйи вайрон, ҳаёт эса бутунлай ўзгарган эди. Шундан сўнг Нодир ота турли корхоналарда ишлаб, ҳалол меҳнати билан обрў қозонди ва "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

Амина момо билан қарийб 50 йил бирга умр кечиришса-да, фарзандли бўлиш насиб қилмади. Шунда улар қариндошларининг қизини тарбиялаб, вояга етказишди. 2000 йилда Амина момо вафот этгач, Нодир ота жияни Ҳабибзоҳид Тожибоева қарамоғида яшаб кел-

моқда. Қачон борсангиз хонадони меҳмонлар билан гавжум бўлади.

Оқшом чўқмоқда. Сухбат тугаб, орта қайтар эканмиз, узоқлардан савзанинг овози эшитилади. Нодир ота эса ҳануз тетик, эртанги кунга умид билан боқади.

НИГОРА ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШГАН ИНСОН



Хотира – инсон қалбининг энг нозик ва энг муқаддас туйғулари билан бирдир. У ўтганларни унутмаслик, эзгу ишларини қадрлаш ҳамда келажак авлодга ибрат қилиб етказиш вазифасини бажаради. Айниқса, уруш йилларининг оғир синовларини бошидан кечирган, Ватан озодлиги ва тинчлиги йўлида жон фидо қилган инсонларни ёдга олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Отам Холмат Маҳкамов 1924 йилда Қуйи Чирчик туманининг Гул қишлоғида таваллуд топганлар. 1942 йил апрель ойида, ҳали жуда ёш бўлишларига қарамай, армия сафига қақирилганлар. 1942 йил август ойидан бошлаб Шимолий Кавказдаги оғир жангларда иштирок этганлар ва шу ерда яраланганлар. Госпиталда даволангандан сўнг яна фронтга қайтиб, 3-Беларусь фронти таркибидеги 358-ўқчи дивизиясида хизматни давом эттирганлар.

Отам Украина ва Беларусни фашист босқинчиларидан озод этишда, шунингдек, Кёнигсбергги эгаллаш операциясида иштирок этиб, юксак жасорат ва матонат кўрсатганлар.

Жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун III даражали «Шон-шараф», I даражали «Ватан уруши» ордени ва кўлаб медаллар билан тақдирланганлар.

Отам урушдан кейин ҳам ҳалол меҳнат қилиб, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритганлар. У киши етти нафар фарзанд – беш қиз ва икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказди.

Уруш ҳақидаги хотираларини бизга кўп бора сўзлаб берардилар. Ҳар бир гапларида урушнинг нақадар даҳшатли ва аёвсиз экани акс этар эди. Улар доимо: "Тинчлик – энг катта неъмат. Унинг қадрига етиш керак", деб таъкидлардилар.

Бугун биз тинчликда ҳаёт кечираётганимиз ота-боболаримизнинг жасорати ва фидойилиги туфайлидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати вақт ўтса-да, қадрини йўқотмайди. Чунки бу хотиралар тинчликнинг нақадар қиммат эканини эслатиб турадиган абадий сабоқдир.

Мурод МАҲКАМОВ,
ўғли



ўша йиллари ҳаёт жўшқинлигини ҳис қилиб, халқ таълимини йўлга қўйиш, ёшлар ҳаракатини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган, журналистик фаолият билан жиддий шуғуллана бошлаган Ғафур Ғуллом "Шарқ ҳақиқати" газетасининг масъул котибига тайинланди. Илгарироқ бу ёш ижодкор "Қамбағал деҳқон" газетасида котиблик қилиб, муайян тажриба ортирганди.

мақолаларим билан қатнашардим. Бир куни редакциянинг масъул котиби Ғафур Ғуллом мени бевосита газетга ишга таклиф қилиб қолди. "Ишни босмахонадан бошлайсан, – деди у. – Газетани саҳифалашни ўрганасан, кейин менга ёрдамчи бўласан", – деди.

Шундай қилиб, босмахонада ишлай бошладим. Материалларни макет бўйича саҳифаларга жойлаштириш, мақолаларнинг моҳият ва ҳажмига қараб, сарлавҳалар учун ҳарф танлашни ўргандим. Кейин бир оз адабий ҳодим бўлиб ишлагач, ниҳоят масъул котибга ўринбосарликка

фаларга жойлаштирарди. Шу сабаб макетлари пухта, кўримли ва келишимли бўларди. Ҳамма ишнинг бориши кўрсатади, ҳаммасини хонада макет тузиб



Ғафур ҒУЛЛОМ

МАСЪУЛ КОТИБ БЎЛГАНМИ?

"Газетачилик меннинг ижодий ўсишим учун университетлик ролини ўйнади, – деб ёзган эди Ғафур Ғуллом кейинчалик ўз таржимаи ҳолида. – Бирор кун йўқ эдикки, "Қизил Ўзбекистон"да, "Қамбағал деҳқон"да ё бошқа газета-журналда бирор мақолам, фельетоним, очерким ё шеърим босилмас..."

Уша даврларни эслаб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ориф Аюпов 1978 йили – "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 50 йиллиги нишонланаётган кунлари ёш журналистлар билан учрашув чоғида шундай ҳикоя қилган эди:

– Мен ўқитувчи, айна чоғда "Шарқ ҳақиқати"нинг фаол муҳбири ҳам эдим. Газетада маориф ва маданий ҳаётга доир хабарларим,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тайинландим.

Кейинчалик ҳам Ориф ака Аюпов билан кўп маротаба суҳбатлашдик. Устоз ижодкорнинг гувоҳлик беришича, Ғафур Ғулломнинг газетачилик маҳорати биринчи кунларданок ёш матбаачини ром қилиб қўйган. У билан ишлаш ниҳоятда кўнгилли эди. Баъзан иш чўзилиб, тонготаргача босмахонада қолиб кетилса ҳам, масъул котиб асло кайфиятини бузмас, ҳамма вақт тетик ва ҳушчақчақ юрар, ундан таъсириланиб, бошқа ҳодимлар ҳам чарчас нималигини билишмасди. Ҳамма ижодкорлар, босмахона ишчилари уни гоёт ҳурмат қилишарди.

Ғафур Ғуллом макет тузишнинг моҳир устаси эди. Бўлимлар топширган материалларни битта-битта таалаб ўқиб чиқар, уларни моҳияти, мазмуни, долзарблигига кўра саҳи-

туриб, тасаввур қила олмайсан", – деб кўярди.

Масъул котиб мавзуси ўхшаш материаллар турли саҳифаларга тарқалиб кетишига йўл қўймади. Уларни ҳамма билан руқн остига жамларди. Метранпажлар терган сарлавҳа ҳарфлари ёқмас, монандини танлаб, ўзи кассадан териб келарди. Улар: "Яхши ёрдамчисиз", – деб масъул котибдан миннатдор бўлишарди. Газета учун суратлар танлашга ва уларни саҳифаларга жойлаштиришга алоҳида эътибор билан қарарди. Фотомуҳбир Макс Пенсон, Исаак Глауберзонга қаердан, қандай суратлар олиш хусусида махсус топшириқлар берарди. Улар газетанинг яқин дўстлари ва кўмакчилари бўлишган.

– Ғафур Ғуллом редакцияга ҳаммадан барвақт келиб, кеч кетарди,

аканинг ўша ҳикоялари лоп-лоп ҳаёлимга келарверди. Чунки, вақт ўтиши билан сарғайиб, титилиб кетган саҳифалар устознинг гапларини тасдиқлаб турарди.

Тахририятда ёш адибларнинг ижоди булоқдек жўш урган. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари кўпинча "Шарқ ҳақиқати" газетасининг саҳифалари орқали илк маротаба ўз ўқувчиларига етиб борган. Ғафур Ғулломнинг, сарлавҳасини ўқишингиз билан юзингизда завқли бир жилмайиш пайдо бўлувчи "Ҳийлаи шаръий" ҳикояси дастлаб шу газетада эълон қилинган эди.

Лавозим масъулияти Ғафур Ғулломдан ҳаммиша тахририятда бўлишни, жамоанинг ижодий фаолиятини назоратдан қочирмаслигини талаб қиларди. Бироқ масъул котиб

лицистиканинг, воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаяжонли ҳикоя қилиб, ўқувчини кўламли бунёдкорлик ишлари ичига олиб кирувчи репортажнинг ажойиб намунаси бўлиб қолган.

ТАХРИРИЯТДАН:

Ғафур Ғуллом нафақат буюқ шоир ва ёзувчи, балки матбуотнинг ҳақиқий фидойиси, газетачилик сир-асрорларини чуқур англаган моҳир муҳаррир ҳам эди. Унинг тахририятдаги талабчанлиги, ижодга меҳри, саҳифа маданиятига бўлган юксак эътибори ва ҳозиржавоб публицистикаси бир неча авлод журналистлари учун ибрат мактаби бўлиб қолди.

Бугун сарғайган газета саҳифаларини варақлар эканмиз, улардан нафақат тарих ҳиди, балки улкан меҳнат, қалб ҳарорати ва ижодий жасорат нафаси уфуриб туради. Ана шу саҳифаларда Ғафур Ғуллом каби ижодкорларнинг бедор туллари, халқ ва матбуотга садоқати муҳрланиб қолган. Демак, ҳақиқий журналистика – бу фақат касб эмас, балки замон ва инсон олдидеги юксак масъулият эканини ана шу улуг қалам соҳиблари ўз ҳаёти ва ижоди билан исботлаб кетганлар.

лицистиканинг, воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаяжонли ҳикоя қилиб, ўқувчини кўламли бунёдкорлик ишлари ичига олиб кирувчи репортажнинг ажойиб намунаси бўлиб қолган.

"ДАВР КЎЗГҮСИ"

("Тошкент ҳақиқати": йиллар, ижодкорлар, изланишлар) китобидан олинди

▼ Хотира фасли

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Малика Хужаева 1979-1992 йилларда «Машъал» газетаси бош муҳаррири лавозимида меҳнат қилган. Ҳа, ишлаган ё фаолият юритган эмас, айнан меҳнат қилган. Тайинловга қадар эса Ўрта Чирчиқ тумани Ижро қўмитасида мафкура масалалари бўйича биринчи котиб вазифасида ишлаган эди...



СИЗНИ СОҒИНДИМ, МАЛИКА ОПА!

Малика опа газетага раҳбар этиб тайинланганида, тахририят биноси ёниб кул бўлган, ижодий жамоа бошланасиз эди. Янги бино куриш, жамоани ёшартириш ва газетани ўзгартириш янги бош муҳаррирнинг асосий мақсади ва эзгу нияти бўлди. Шояд, у киши ниятига етди.

Ҳозирги кунда газетада ишлаган Талиб Ҳакимов, Маъмуржон Бозоралиев, Анора Каримова, меҳнат фахрийлари Бахринисо Тешаева, Жамбул Қурбонбеков, яна Суяржон Курбонкулов ва бошқа ўнлаб журналистларнинг бошини Малика опа «Машъал»да қовуштирган эди. Уларга раҳбар эмас, устоз бўлди, оналик қилди. Камина эса Малика опага невараси шогирди тушди...

Малика опа Иброҳим Гафуров, Ошиқ Эркинлар билан бир курсда ўқиди. Фақатгина ўқимади, уларнинг гуруҳига тўрт йил раҳбарлик қилди. Бекиёс Тамираҳоним эса Тўйтепа томонларга ижодий сафарга айтилса, йўл тараддуди олди деган хамиша Малика опа билан

боғланган. Бу икки аёл учрашувдан олдин кўришиб, учрашувдан кейин ҳам дилдан суҳбатлашардилар.

Ҳозирги омон-омон шароитда тахририятнинг биносини куриш, эҳтимол, муаммо бўлмас. Бироқ 1980 йилларда вилоят эмас, туман газетаси учун икки қаватли тахририят биносини куриш осон эмаслиги кундай равшан. Шунга қарамай, Малика опа бошқарув органида хизмат қилаётган шогирдларидан ёрдам сўраб, дастлаб туманнинг бош архитекторидан бир колхоз идораси тархи асосида тайёрланган тахририят биноси чизмасини тасдиқлатади. Шундан сўнг ўша вақтдаги мамлакат матбуот қўмитасига қатнай-қатнай янги бинони бир йил ичида куриб битказилади. Ҳар гал тахририятга кирганимизда, бу бинонинг бунёд бўлиши учун Малика опанинг чеккан заҳмати ва қилган хизматларини миннатдорлик билан эслаб, дуо қиламиз...

Малика Хужаева бир пайлар газетамизда «Жангчининг жасорати» деган мақоласини эълон

қилганди. Унда Ўрта Чирчиқ туманининг Ўртасарой ҳудудидаги колхозга раислик қилиб келган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳиддин Дусанбоев (аслида Муҳиддин ота Хусанбой бобонинг набираси, уруш йиллари ҳужжатда шундай хатолик кетган) пенсияга чиққан кун раисликдан бўшаш ҳақида ариза ёзгани ҳақида баён қилинади. Эҳтимол, бунинг аҳамиятини ҳамма ҳам тушунмас. Бироқ, раисликдан ўз ихтиёри билан, пенсия ёшига етгач, воз кечиши ҳақиқий жасорат эмасми?! Малика опа ҳам шундай жасоратли, мард аёл эди. У опа ҳам пенсия ёшига етгач, бир кун ҳам бош муҳаррир бўлиб ишлаган эмас! (Бу аънани кейинчалик газетамизда 2011-2024 йилларда бош муҳаррир вазифасида меҳнат қилган Талиб Ҳакимов давом эттириб, 60 ёшга тўлганда сўнг бир ҳафта ҳам раҳбар бўлиб ишламади). Аммо, азиз газетасининг янада ўқилиши бўлиши учун катта ҳаётли ва ижодий тахрирларини беминнат баҳам кўриб, шогирдлари билан боғла-

ниб турган. 2025 йилда «Машъал» газетасининг Жамоатчилик кенгаши ташкил қилганимизда, Малика опа ҳам унга аъзо бўлган ва энг яқин маслаҳатгўйимиз эди.

Энди, эди дея ёзишга кўлим бормайди, айтгани тилим айланмайди. «Турналар қайтгунча омон бўлайлик», деб ёзади Зулфия Муминова бир шеърда. Малика опа бу баҳорнинг турналари қайтгунча омон бўлмади...

Ҳозир Малика опани жуда-жуда соғиниб кетганими хис қиламан. Қани эди, ё Нурафшонда катта ҳовлига, ё Маннон Уйғур яшаган хонадонда истиқомат қилувчи қизининг уйига борсам, ё Қатортолдаги кенжаси Юлдуз опанинг бориб эшик кўнгируғини боссам-у, Малика опанинг дийдорига етсам. Утган кунлар, утаётган кунлар тўғрисида, матбуот ва матбуотчилик хусусида, ҳаёт ва тириклик, унинг моҳияти ҳақида узоқ-узоқ суҳбатлашасам...

Сизни соғиндим, Малика опа!..
Отабек ИСРОИЛОВ,
«Машъал» газетаси
бош муҳаррири

▼ Назорат

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларининг қонунийлиги, назорат тадбирларини тартибга солиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жойларда ўтказилаётган ўқув семинарларининг аҳамияти катта.

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Набатдаги мана шундай мулоқот «Ўзнергоинспекция» Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида ташкил этилди. Семинар Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – Бизнес омбудсманнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда «Ўзнергоинспекция» ҳудудий бошқармаси раҳбарияти, масъул ходимлари ҳамда соҳавий мутахассислар иштирок этди.

Мулоқот давомида тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан амалга оширилаётган текширувларнинг қонуний асослари, уларни ўтказиш тартиби ва бу жараёнда тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини оширишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектларида энергоресурсларини қабул қилиш, ташиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш жараёнларини назорат қилишга доир ҳар қандай текширув Бизнес омбудсманни хабардор этган ҳолда амалга оширилиши шарт. Бу талаб давлат раҳбари томонидан имзоланган бир қатор қарор ва фармонларда ўз ифодасини топган.

Семинарда Бизнес омбудсманни хабардор этмасдан амалга оширилган текширувлар ноқонуний ҳисобланиши, тадбиркорлик субъектларига кириш тартиби, электрон китобни расмийлаштириш, текширув бўйруғини шакллантириш, таъсир чораларини қўллаш ҳамда текширув натижаларини

маҳсус платформага киритиш тартиби юзасидан кенг тушунтиришлар берилди.

Ўқув семинари савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Мута-



хассислар томонидан амалиётда учраётган муаммолар ва ҳуқуқий жиҳатлар бўйича қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, 24 соат ичида хабардор қилиш тартибида ўтказилаётган текширувларда асосларни қўллаш, хавф таҳлили маълумотлари асосида текширув ташаббуси билан чиқиш ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан электрон китобни юритиш тартиби муҳокама қилинди.

Шунингдек, келгусида электрон китобни QR-код орқали юритиш тизими жорий қилиниши, тадбиркорлик субъектлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун маҳсус QR-кодлар шакллантириш ишлари олиб борилаётгани маълум қилинди.

Тадбир давомида тадбиркорлик субъектларида мажбурий ташкилий-техник тадбирларнинг бажарилганини аниқлаш тартиби ҳам муҳокама қилиниб, бундай ҳолатларда белгиланган дастур ва саволнома асосида текширув очилиши лозимлиги юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Семинар якунида соҳада қонуний талабларга қатъий риоя қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда текширув жараёнларини очик ва шаффоф ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Фикрат КАРИМЖОНОВ,
«Ўзнергоинспекция»
Тошкент шаҳар ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?



Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам 2026 йил ҳосилини қисқа муддатларда, сифатли ва нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида мавсумга тайёргарлик ишлари якуний босқичга кирди. Вилоятда мавжуд галла ўриш комбайнларини таъмирлаш ва техник кўриқдан ўтказиш ишлари ҳар йилги-

дан эртaroқ бошланди. Барча ўрим машиналари марказлашган таъмирлаш масканларига жамланиб, уларнинг техник ҳолати тўлиқ назоратдан ўтказилди.

Маълумотларга кўра, жорий мавсумда вилоят бўйича жами 257 та галла ўриш комбайни иштирок этади. Фермер хўжалиқлари, кластерлар ва бошқа ташкилотларга қарашли ушбу техникаларни таъмирлаш учун жами 11 миллиард 103,5 миллион сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек, «Ўзагроинспекция»нинг Тошкент вилояти бошқармаси мутахассислари томонидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни барт-

▼ Тайёргарлик

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида галла ўрими мавсумига тайёргарлик ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айниқса, бу жараёнда қишлоқ хўжалиғи техникаларининг созликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

раф этиш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар бериб борилмоқда.

И. ЙҮЛДОШЕВ,
«Ўзагроинспекция»нинг
Тошкент вилояти бошқармаси
Техника ҳолатини назорат қилиш
шўъбаси бош мутахассиси

▼ Одамийлик шеваси

Қишлоғимизда Аҳмад исмли бир отахон яшарди. Кўпчилик уни «Аҳмад аравакаш» деб чақирарди. Чунки бутун умрини аравакашлик билан ўтказган эди.

У баланд бўйли, қотмадан келган, серсавлат инсон эди. Қирра бурун, бироз ичига ботган кўзлар ва юздаги ҳаёт машаққатлари из солган чизиклар бошидан кечган синовларни яққол намоён этарди. Ўнг кўзи остидаги майиздек хол эса худди узукка қўйилган кўздай чехрасига фойз бағишлаб турарди.

Фақат биргина нуқсон – юрганда бироз оқсаб қадам ташларди. Бу ҳолатнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор.

Уша машъум ўттизинчи йиллар тўфони чекка қишлоқларни ҳам четлаб ўтмади. Урмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар экан. Хоҳ зиёли, хоҳ оддий деҳқон бўлсин, қатагоннинг даҳшатли тегирмони ўз домига тортарди. Бу офат Аҳмад яшайдиган Юқори Чирчиқ туманидаги қафтдек Кавардон қишлоғига ҳам етиб келди. Аҳил-иноқ яшаётган аҳолининг тинчи бузилди. Бугун кимнинг навбати, деган қўрқув ва ҳадик уларни талвасага солиб қўйди. Бирин-кетин виждонли кишилар қамала бошлади. Набат Аҳмаднинг отаси Тешавой акага ҳам етиб келди. Унинг турмуш ўртоғи Рухия ая ўн нафар фарзанди билан чирқираб қолди. Тешавой ака қамалгач очарчилик ва қаҳатчилик уларнинг тўрт фарзандини бағридан олиб кетди. Рухия ая ғам-ташвишларни орқага суриб, хўжалиқда кечаю кундуз ишлаб оила тебратди. Аҳмад ҳам онаси билан ёнма-ён меҳнат қилди. Ҳеч кимга сир эмас, у вақтларда техникалар йўқ. Бўлса ҳам бармоқ билан санарли эди. Қишлоққа биринчи

тракторни Рашидхўжа Фозихўжаев ҳайдаб келганида одамлар уни: «шайтон арава» деб атаганди. Аҳмад аравакаш ҳам биринчи бор тракторни кўрганида:

– Ё пирай, «шайтон арава» дегани отсиз ҳам ўзи юраркан-да, дея хайратдан ёқасини ушлаганди.

Йиллар ўтди. Қишлоқ кўчалар

қайтди. Аммо у анча озиб-тўзиб кетган, соғлиги ҳам айтарли яхши эмасди.

Ёз ойининг тонг палласи. Боглардаги меваларга ранг кира бошлаган. У ер, бу ерлардан хўрозлар кичкириги эшитилади. Негадир Тарлон жонивор нимадандир хавотирланаётгандек кишнади. Аҳмад

эди-ку! Тинчлан, жонивор, тинчлан.

Аҳмад ана шундай деб от пешонаси ва ёлларини оҳиста силаб, уни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Унга бир қафт беда хашак солди. От жонивор бироз тинчлангач ташқарига чиқди. Кўча эшик томондан кириб келаётган дадасига кўзи тушди. Отасининг кўриниши

– Ё, алҳазар. Ё, қодир эгам. «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр», дейишганлари рост экан. Масжид дарвозасидан чиқганимизда радиозузда уруш бошланганлиги ҳақидаги нохуш хабар эшитдим. Эшитдим-у, бутун танам титраб кетди...

Тешавой ота шу гапларни айтиляпти-ю, лаблари титраб, кўзлари эса ғазаб ўти чақнаб турарди.

– Йўғ-е! Наҳотки шу рост бўлса. Энди нима бўлади? Ўзи шундоқ ҳам очарчилик ва қаҳатчиликдан одамларнинг тинкаси қуриганди. Қийин-қийин, яна халққа жабр бўладиган бўлибди-да, – дея Аҳмад нигоҳларини бир нуқтага қадаганча уйга толди.

Уша куну бу нохуш хабар қишлоққа яқин тезлигида тарқалди. Одамлар саросимага тушиб, ғалла-ғовур бошланди. Қўлида қурол ушлашга қодир бўлганлар фронтга отланди. Аҳмаднинг бироз ёши етмади. Ҳарбий комиссариатдагилар: «Ешинг етганида ўзимиз чақирамиз», дейишди. У қишлоққа қайтиб ишини давом эттирди.

Ниҳоят, у кутган кун келди. Аҳмад ҳам фронтга кетадиган бўлди. Уни садақатли дўсти Тарлон билан ўзбек отлик дивизияси сафига юборишди. Аҳмад немисларга қарши аёвсиз жангларда оти билан иштирок этиб, мислсиз мардликлар кўрсатди.

Қаҳратон қиш кунларидан бири эди. Аҳмад Смоленск вилояти Сичев туманидаги Хлепень қишлоғи учун бўлган жанг вақтида оғир яраланди. Ушанда Тарлон уни тишлари билан тишлаб жанг майдонидан судраб чиқарди.

У бир неча ой госпиталда довлангач яна сафга қайти. Иккинчи бор яраланганида шифокорлар унинг ўнг оёғидаги бешта ва чап оёғидаги учта бармоғини кесиб

ташлашди. Шу тариқа Аҳмад урушдан ногирон бўлиб, Тарлон билан қишлоққа қайтди. Лекин у мен ногиронман, деб ўзини четга олмади. Колхозда аравакашлик қилишни давом эттирди. Шаҳарлик Манзура деган қизга кўнгли кўйиб, уйланди. Улар Раҳматжон ва Раҳимжон исмли ўғилларни тарбиялаб вояга етказишди. Аммо икки ўғилнинг ҳам умрлари қисқа экан. Бири хасталиқдан, иккинчиси эса автохалокат сабаб ҳаётдан эрта кўз юмишди.

Ҳаёт деганлари аслида инсон учун берилган синов. Бу имтиҳондан ким қандай ўтиши, ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Аҳмад ҳам оддий аравакаш бўлса-да, ўзидан яхши ном ва ўчмас ўз қолдириб кетди. Ҳамқишлоқ тенгдошларим Аҳмад аравакашни ҳеч қачон унутмас керак. Чунки у киши бизни аравакаш миндириб, қишлоқ кўчаларида гир айлантиришни қанда қилмасди. Тарлон ҳам унга умрининг охиригача садақот билан хизмат қилди.

Ушанда қиш оқшоми эди. Борлиқ оппоқ қорга бурканган. Кўпдан бери бундай қаҳратон қиш бўлмаганди. Қишлоқда соқиллик ҳукмрон. Аҳён-аҳёнда итларнинг ақиллаши қулоққа чалинади. Тарлон негадир безовта. У ер депсиниб, бўйиндаги нўхтасини узишни удалади. Ташқаридаги изгиринга қарамай олди туёқлари билан отхона эшигини очди. Шу тобда уй айвонидаги лампочка милт-милт ёниб турарди. От жонивор бир зум ўша томонга тикилиб қаради. Ҳожасидан рози-ризолоқ олди, гўё. Сунгра тоғ томонга қараб йўл олди. Ёғаётган қор от изларини изма-из ёпарди...

Латиф МАНСУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

САДОҚАТ



чўчиб уйғонди. Шоша-пиша отхонага кириб борди. Тарлон туёқлари билан ер депсиниб ҳамон кишнардди.

– Ҳой, Тарлон, тинчликми? Саҳар мардондан бунча кишнама-саҳар? Ахир сенда бундай одат йўқ

афтодаҳол эди. Нимадандир хафа эканлиги шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди.

– Ҳа, ота, тинчликми? Кўринишингиз бир аҳволда. Ё, тобингиз йўқми? – дея хавотир олиб сўради Аҳмад.



“ЯЛДО КЕЧАСИ”:

Кеча давомида сахнада шеър, музика, драматик чиқишлар ва таъсирчан бадиий композициялар уйғунлигида томошабинларга ўзига хос маънавий муҳит тақдим этилди. Мазкур дастур асарни ҳали мутлоа қилмаганларда уни ўқишга кучли қизиқиш ва эҳтиёж уйғотган бўлса, асар мухлислариға қаҳрамонлар билан гуё юзма-юз келиб, Туркистон ҳудудига кечган фоживий тақдирлар ва тарихий изтиробларни яна бир бор қалбан ҳис қилиш имконини яратди.

Шу муносабат билан шеър-концерт дастури ижрочиларидан бири, шоир Шаҳриёр ШАВКАТ билан суҳбатлашдик.

— Шаҳриёр ака, аввало, Сизни муваффақиятли чиқиш билан самимий табриклайман. Биз томошабинлар сафидан ўтириб, ниҳоятда кучли ҳаяжонни ҳис қилдик. Чунки бу асарни ёлғиз қолиб мутлоа қилиш бошқа-ю, унинг асосида сахналаштирилган бадиий дастурни жонли тарзда томоша қилиш тамоман ўзга таъсир ва кечинмаларни уйғотар экан. Ана энди ундаги воқеаларда иштирок этиш завқи ва масъулиятини тасаввур қилаверинг... Айтинг-чи, “Ялдо кечаси” асари билан илк бор рубрай келганингизда қандай туйғуларни ҳис қилгансиз?

— Тўғриси, ҳар доим ушбу бебаҳо асарни биринчилардан бўлиб мутлоа қилиш бахтига муяссар бўлганимдан фахрланаман. Утган йилнинг декабрь ойида “Хайбар – 25” нашриёти бош муҳаррири Шуҳрат Соҳибов билан бўлиб ўтган “Ялдо кечаси”ни кутинг ва ўқинг! — номли суҳбат “Jadid” газетасида чоп этилган эди. Шунингдек, унда асардан маълум бир парчалар эълон қилинганди. У пайтда муаллиф кимлиги кенг жамоатчиликка ҳали маълум қилинмаганди. Кейинроқ, 21 декабрь кунини Шаҳидлар хотираси мажмуасида бўлиб ўтган тақдимотда ҳам иштирок этдим. Уша кунини Тошкент узра қуюқ қор ёғар, атрофни эса қандайдир ҳазин сукут чулғаган эди. Ора-сирада булутлар орасидан мўралаб кўрётган кўёш нурали ҳам мухитга ўзгача сокинлик бағишлар, одамлар вазмин қадам ташласалар-да, юз-кўзларидан илиқлик, яшириб бўлмас ҳаяжон сезилиб турарди.

Ўдимда, юртимизнинг мард ва жасур зиёлилари қатл этилган ўша тепалиқда туриб, уларнинг ўлим олдидидаги оғриқлари, изтиробли ўйлари, армон ва орзу-умидларини танамда ҳис қилиб қўришга тиришганман... Тақдимот ҳам ана шу мухитга мос мумтоз руҳда ўтганди. Унда сўзга чиққан таниқли ёзувчи ва шоирларнинг фикрлари, аиниқса, миллат хотираси, йўқотилган авлод фожияси ва маънавий мерос ҳақида айтган таъсирчан мулоҳазалари ҳали-ҳамон ёдимда.

Шундан сўнг, жорий йилнинг 28 март кунини Ренессанс кино уйида “Ялдо кечаси” романи асосида тайёрланган театрлаштирилган шеър-концерт дастури намойиш этилди. Томошабинлар ушбу бадиий дастурни катта қизиқиш ва кучли ҳаяжон билан қарши олдилар. Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан, “Сўз” лойиҳаси доирасида ташкил

МИЛЛАТ ФОЖИАСИГА АЙЛАНГАН ТУН



этилган мазкур маънавий-маърифий дастурни кейинчалик юртимизнинг барча вилоятларида, аиниқса, талабалар ва ёшлар иштирокида ўтказиш режалаштирилгани ҳам ўша тадбирда алоҳида таъкидланганди. Чирчиқ шаҳридаги ушбу дастур ана шу хайрли ишнинг бошланғичи эди.

— Тақдимотнинг композицион қурилиши ҳам эътиборга молик. Турли ижодий ёндашувлар бир сахнада уйғунлашганда, асар мазмуни ва ғоясини бугунги, аиниқса, телефонга боғлиқ қолган ёшлар онгига етказишда самарали восита бўлиши мумкин. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

— Аввало, етук асарнинг маҳоратли режиссёр қўлига тушишининг ўзиёқ ноёб ҳодисага айланиб қолди. Режиссёр Сайфиддин Мелиев раҳбарлигидаги “Art house Hamsa” ўқув-экспериментал театр жамоаси ҳамда кўзга кўринган шоирлар ҳамкорлигидаги сахнавий чиқишлар санъатининг турли йўналишлари бир-бири билан уйғунлашганда қандай юксак бадиий натижага эришиш мумкинлигини кўрсатиб берди, назаримда. Албатта, бу борада Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ижодий жамоаси, жумладан, лойиҳа раҳбари Ситора Барлибоева ҳамда Феруза Хайруллаева каби мутахассисларнинг хизматини алоҳида эътироф этиш керак. Чунки улар ва режиссёр сценарий муаллифлари сифатида романнинг умумий руҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Нажмиддин Турон, Мадина Норчаева, Нозима Ҳабибуллаева ва Рашид Хўжамоов каби ижодкорларнинг йиллар давомида ёзган юзлаб шеърларини уйғунлаштириб, улар асосида сахна кўринишларини пухта ишлаб чиққанлар.

Шу маънода, сахнадаги ҳар бир деталь — реkvизитлардан тортиб шамдонлар, занжирларга ўралган кундалар, қизил мато устидаги ой-болта, давр руҳига мос либослар, сахна орти овозлари ва экранда намойиш этилган лавҳаларга қадар — барчаси бир-бири билан узвий боғланган яхлит бадиий тизим сифатида асар ғоясини очиб беришга



қаратилган рамзий восита вазифасини бажаради.

Айниқса, сахна четида осилган беш рангли матонинг ўзгариб туриши диққатга сазовор. Унинг рангли рағз Туркистон мухторияти даврини, гоҳ совет даврининг оғир тарихий босқичларини, сўнгида эса мустақил Ўзбекистон байроғини ифода этиб, томошабинда кучли руҳий таассурот уйғотади. Ака-уканинг фирқавий баҳслари, қўрбошлар, жадидлар, шўро ҳукумати аъзолиги тўғрисидаги гурунглари алоҳида мавзу...

— Қўрбошлар деганингизга эсимга тушди... Не бахтким, Сиз улуг боболаримизни зиёрат қилиб келдингиз. Ҳаммамиз ҳавас билан кузатиб бордик. “Ялдо кечаси”нинг айрим обblарига тасвирланган жойларни ўз кўзингиз билан кўргандирсиз? Масалан, қўрбошларнинг кейинги тақдири кечган адирларни...

— Назаримда, Чирчиқда бўлиб ўтган тақдимотнинг 1920-1934-йилларда босмачилик ҳаракатларига моддий ёрдам беришда, қуролли тўда тузишда, совет ҳокимиятига қарши кўзголлонлар ҳамда аксил-инқилобий ҳаракатини амалга оширганликда айбланган Қатагон қўрбонларининг 161 нафари оқла-ниши билан деярли бир кунда бўлиб ўтганида ҳам алоҳида рамзий маъно бор.

“Ялдо кечаси” муқовасининг расми ижтимоий тармоқларда тарқалгани ва яхшигина шов-шув кўтарилгани ҳам эсимда. Қизиқи,

Куни кеча Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида

▼ Тақдимот

йиғилганлар яна бир муҳим маданий-маърифий воқеага гувоҳ бўлишди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” асари асосида театрлаштирилган шеър-концерт дастури кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирни очиб берган Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов мазкур асарда кўтарилган ҳаётини ва долзарб ғоялар ҳақида тўхталиб, “Ялдо кечаси” асари миллатимизнинг энг узун, энг маҳзун, энг аянчли тунини ҳақида сўзловчи, муқаддас Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган боболаримиз қолдирган ўлмас ғояларни англашга ундайдиган маънавий ҳодиса эканини таъкидлади.



экан. “Ялдо кечаси” романи “Ўткан кунлар” асарининг хотимасидаги қисқа ишора ва “Ёзғучидан” деб берилган ихчам маълумот асосида дунёга келган бўлса-да, у мутлоқо мустақил ва кенг қамровли бадиий асар сифатида намоян бўлади. Асарда Отабекнинг зурриёти — Ёдгорбек ҳамда унинг фарзандлари Озодбек ва Одилбек тақдири орқали ўша даврнинг мураккаб ижтимоий муҳити, инсон кечинмалари ҳамда миллат фожияси ниҳоятда таъсирчан тарзда тасвирланган,” — дедим, уларнинг кўзидаги аллақандай умидсизликни пайқадим. Орага чўккан тушуниксиз сукутнинг ўша отахон бузишга журъат топди: “Ўзларингизни ёзувчиданми?”

Кейин гап нимадалигини бирдан англадим ва “Ҳам крилл, ҳам лотин ёзувида чиқарилган”, дедим. “Энди лотиндагисини ёшлар ўқимаса, биз тушунмаймиз, болам. Бизга шу ўзимизни имлода бўлса, қаниқди...” деб қолишди.

Уйга қайтган фурсат топиб, бу таклифни устозларга айтдим. Маъқуллашди. Умид қиламизки, тез орада дарё ортидаги тилдошларимиз ҳам бу қимматли асардан баҳраманд бўлишади.



лардан бошланиб, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар билан тугади. Отахонлардан бири уйда “Ўткан кунлар”нинг илк нашри сақланаётганини айтиб, мақтаниб қолди. Яна бири кўзойнагини бир четга қўйиб, анчайин салмоқлини, гап бошлади: “Устозимнинг устози “Фарғоначи” бўлган. Бухорою Самарқандда илм олган муаллимлар хат-саводимизни чиқарган. Яқинда бир набирам “Ўткан кунлар”ни давоми топилибди, деб қолди. Кейин тунини билан ўйлаб чикдим: “Қодирийнинг советлар отган бўлса, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида “Дадамнинг навбатдаги режалари “Амир Умархоннинг канизи” номли роман ёзиш эди”, дейилган бўлса, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи қисми қаёқдан топила қолдикин...”

Шунда мен: “Бу асарнинг давоми ёзиш бахти атоқли адибимиз Хайридин Султонга насиб қилган

— “Ўткан кунлар” романининг муқаддимасида келтирилган “Мозийга қайтув иш кўриш хайрлик, дейдилар” ибораси Абдулла Қодирийнинг ўз даврига нисбатан тарихий ёндашувини, миллатнинг ўтмишидан сабоқ чиқариш ва миллий онгини уйғотиш мақсадини ифодалайди. Шу маънода, халқимизнинг забардаст ёзувчилари қаламига мансуб асарларни қанча кўп ўқисак ва тарғиб қилсак, шунча оз. Бу борадаги ишларингизга муваффақият тилайман.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири Меҳридин ИБРАГИМОВ суҳбатлашди
Суратларда: Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар Муаллиф олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

G’ayrat SHERALIYEVA

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To’xtamurod

HASANBOYEV

Mas’ul kotib vazifasini

bajaruvchi:

Nozima RASULOVA

Navbatchi:

Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.

Bosishga topshirildi – 22.20.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-535.

8 087 nusxada chop etildi.

Hajmi – 3 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tahir Mahmudxo’jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

кўп миллатли халқимизни қутлуғ айём

Хотира ва қадрлаш куни
билан самимий қутлайди.



Ватанимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

акциядорлик
жамияти
жамоаси



халқимизни

**9 май - Хотира ва
қадрлаш куни**

билан муборакбод этади!

Барчамиз ота-боболаримизнинг эзгулик йўлида
кўрсатган матонат ва жасоратини ҳамиша ёдда
тутамиз ва қадрлаймиз.

АСТРАХАНЬ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ



Тошкент
вилояти
филиали
жамоаси

муҳтарам
ватандошларимизни

**9 май - Хотира ва
қадрлаш
куни**

билан табриклайди.

Дунёда тинчлик-осойишталик
барқарор бўлсин!

